

Ризо Тавфикбекни танимагон кайси турк кавми бор? Жахон урушидан бурун турк матбуотини таъкиб килгонлар, унинг тўгрисида жуда кўп нарсаларга йўликарлар эди.

Унинг ошиқ тарзида хижо вазнида ёзгон тасаввуф хидли шеърлари баъзи бир танкидлари, фалсафий асарлари унинг ўзини хар ерда, хар кимга яхши таниткон эди. Жахон урушидан бери яна кўб нарсаси чиккондур. Лекин, биз, машхур шоир Абдулхак Хамид тўгрисида ёзилгон «Хамиднома» отлик танкид китоби билан, сўни замон содда адабиётчиларининг 8 китобдан иборат шеър; мажмуаларида киска-киска, лекин маънолик бир-икки шеърларидан бошка нарсасини кўра олмадик.

50—60 жилдлик (ёки жузлик) «Комус фалсафа» ёзгон эмиш деган ривоятлар эшитилди, у тўгрисида хам аниқ бир хабарга йўлуқмадик.

Шундай килиб, Туркияда бу киши кўб катта хурмат козонгон эди. Адабиёт оламида унинг эътибори жуда зўр эди. Бир вақтлар, бир иш тўгрисида камокка олиниб, камокхонадан сўрокхонага келтуриллар чокда ахолининг кўллари устида кўтарилиб келтурилган; камокхонадаги хужраси бир зиёфат дастурхонига айланган. Сўзнинг кискаси, жахон урушининг сўнггигача унинг шухрати, хурмати ва эътибори катта эди.

Инкилоб — гоят кучлик бир омил экан. Кандай зўр шухратлар ерларда судралмади?

Бечора Ризо Тавфик хам шундай шухратларнинг бири бўлди.

Туркиянинг янги шоирларидан энг кучлиги бўлгон Яхё Камолбек билан Истанбул дорилфунунининг форс (эрон) адабиёти мударриси Хусайн Донишбек орасида миллият жанжали бошланиб кетгандан сўнг, Эрон миллиятпарвари бўлгон Хусайн Дониш тарафидан Ризо Тавфик хам турк миллиятпарвари бўлгон Яхё Камолга карши чикди. Даъвосини исбот килиш учун, бу муктадир файласуф машхур Фузулий Багдодий тўгрисида дорилфунун сахнида бир лексия ўқуб, Фузулийни турк эмас, эронли (форс) килиб чикарди.

Фузулийнинг асарларини Эроннинг машхур бир шоиридан олгонлигини даъво килди. Мана шу кундан тортиб Ризо Тавфикнинг шухратда, хурматда пастлаши бошланади.

Жахон уруши тугагандан кейин Франциянинг Севр шахрида мағлуб Туркия учун бир муоҳада хозирландиким, у муоҳадани Туркия матбуоти «Турк мнлллати учун ўлум муоҳадаси» деб, жуда тўғри айтган эди. Шул хўрлағучи муоҳадаги имзо килатургон бадбахтлар Туркияда тезгина топилмади. Хар ким, шу разил вазифани бўйнига олмокдан бош тортар эди. Шу вақтда ўша кунларнинг аъён-аъзоси бўлгон Ризо Тавфик майдонга отилиб чикди ва индамасдан бориб муоҳадага кўл кўйиб келди. Шу ходисани франсузларнинг бир газети жуда кулги килиб ёзгон эди. Бу иш бечора файласуфнинг эътиборини тамом тушурди.

Истанбулга Мустафо Камолнинг голиб ўрдулари киргандан сўнг шу масалалар яна бир дафъа кўзгалиб, турк матбуотида файласуф хакида кўб каттиг нарсалар айтилиб ўтди. Бир вақтлар, дорилфунун талабалари уни мударрислигидан хайдадилар.

Яқинда олингон бир хабарга карагонда, бу бечора файласуф дорилфунундан чиккондан сўнг бўлса керак, Истанбулдаги Амрико кўллежига (куллиясига) кириб, талабаларнинг галваси оркасида ундан хам кетмакка мажбур бўлгон экан. Ундан чиккач Зунгулдок деган жойга бориб у ердаги бир кўллежда турк тили ва адабиёти дарсларини бера бошлагон экан у кўллежнинг талабалари хам уни хайдашга уруна бошлагонлар.

Шундай килиб, Туркиянинг адабиёт ва илм олмидаги энг катта бир кишиси, замоннинг кизигон конли ёшлари билан чикиша олмасдан, кенг фикрини мия хуржунига солиб, саёклик-дарбадарлик кўчасига кириб колгон...

Ризо Тавфикбек — «Фаргона», 1924 й. 10 март.

«Жахон урушидан бурун...» — 1914 йилдан илгари Туркистонда турк матбуоти анча кенг тарқалган. Жахон уруши вақтида Туркия Россияга душман лагерида бўлгани боис бу нарсани анча чекланган.

«Ошиқ тарзида ва хижо вазида ёзгон» — «ошиқ» деб турк ва озарбойжон элида бахшиларни айтилади.

Хижо вази — бармоқ вази демак.

Абдулхак Хамид (1851—1937) — XIX аср охири ва XX аср бошларида жуда машхур, бўлган турк адиби.

«Комус фалсафа» — фалсафа энциклопедияси назарда тутилаётган бўлса керак.